O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 8-IYUN ■ SESHANBA ■ 69 (27.244) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТЧИЛАРИНИНГ АФИНА ШАҲРИ (ГРЕЦИЯ)ДА ЎТКАЗИЛАДИГАН 2004 ЙИЛГИ XXVIII ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИДА МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон спортчиларининг Афина шаҳри (Греция)да бўлиб ўтадиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига сифатли тайёргарлик кўришини таъминлаш, уларнинг ушбу нуфузли мусобақаларда фаол иштирок этишини ҳамда юқори натижаларга эришишини рағбатлантириш, уларнинг мамлакатимизнинг халқаро обрўсини оширишдаги чексиз ватанпарварлиги мисолида ёш авлодни ўз Ватани учун ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан биргаликда:

Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган халқаро танлов мусобақаларида лицензияни қўлга киритган спортчилардан мамлакат терма жамоасини шакллантирсин;

мамлакат терма жамоасининг ўқув-машғулот йиғинларининг якунловчи босқичида Олимпиада ўйинларига пухта тайёргарлик кўришини ва халқаро лицензион мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишини ташкил қилсин;

мамлакат терма жамоаси спортчиларини зарур миқдорда спорт анжомлари, инвентарлари ҳамда спорт кийимлари билан таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси спорт делегациясининг таркиби ва унинг харажатлар сметаси тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитасига харажатларнинг тасдиқланган сметасига ҳақиқий харажатлардан келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари совриндорлари бўлган Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, уларнинг Ватанимиз спорти шарафига муносиб ҳисса қўшганлигини эътироф этиш мақсадида Давлат спорт қўмитасининг 2004 йил учун календарь режасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қуйидаги миқдорларда бир марталик мукофотлар белгилансин:

олтин медаль учун — 100 000 АҚШ доллари;

кумуш медаль учун — 50 000 АҚШ доллари;

бронза медаль учун — 25 000 АҚШ доллари.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда белгиланган мукофотларни бериш тартибини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси буюртманомаларига биноан мамлакат терма жамоасини зарур дори-дармонлар, фармакология препаратлари ва биологик фаол тикланиш воситалари билан таъминласин;

мамлакат терма жамоасига номзодлар учун даволаш-профилактика тадбирларини ташкил этишга ёрдам берсин.

5. Давлат спорт қўмитаси ва Миллий олимпия қўмитаси Ўзбекистон спорт делегациясининг XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўришини таъминлаш учун республикага мақсадли равишда олиб келинадиган махсус спорт анжомлари ва инвентарлар, спорт кийимлари учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги халқаро мусобақалар иштирокчилари — Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари учун хорижга чиқиш ҳужжатларининг ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминласинлар.

7. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси:

Ўзбекистон спорт делегациясининг Тошкент — Афина — Тошкент йўналиши бўйича имтиёзли шартларда учишини;

Ўзбекистон спорт делегациясининг VIP зали орқали бепул ўтишини таъминласин.

8. «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Оникс» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Фонон» акциядорлик жамиятига халқаро мусобақаларга бораётган республика спорт делегацияси учун Давлат спорт қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси эскизлари бўйича эсдалик буюмларини имтиёзли шартларда тайёрлаб бериш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг бориши ва Ўзбекистон терма жамоасининг халқаро мусобақалардаги иштироки оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2004 йил 7 июнь

## НАМАНГАН НУРЧИЛАРИ



Наманган магистрал электр тармоқлари «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси «Ўзэлектртармоқ» шўъба корхонаси филиали бўлиб, асосий вазифаси электр энергияси ишлаб чиқариш ва уни сотишда оралиқ звено сифатида тармоқларнинг оптимал ҳамда ишончли ишлашини таъминлашдир. Шунингдек, ҳосил қилинган электр энергиясини узатиш ва тақсимлашдан иборат.

Бугунги кунда нурчилар 2139,26 километр узунликдаги электр трассасига хизмат кўрсатиб, вилоят халқ хўжалиги тармоқлари ва аҳоли хонадонларида электр қувватининг бир маромда тақсимланишига эришмоқдалар. Жумладан, ўтган йили бу ерда истеъмолчиларга 2373 240 148 кВт. электр энергияси етказиб берилди. Мавжуд подстанцияларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш йўлида 201,2 миллион сўмлик таъмир юмушлари амалга оширилди.

✧✧✧

**Суратларда:** бир гуруҳ нурчилар янги иш куни олдидан; корхонанинг илғор электромонтёрлари — Ҳамидулло Мамажонов билан Атхам Холдоров.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**



## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИККА ҚАРАТИЛГАН ОЧИҚ ТАШКИЛОТ

Ўзбекистон кўпгина дунёвий ташкилотларга аъзо. Шу жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига 2001 йилда аъзо бўлиб кирган. Ўша йили 14-15 июнь кунлари олти давлат — Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг Шанхай Саммитида қабул қилинган «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти»ни тузиш ҳақидаги Декларацияда ШҲТ тузилишининг принципиал йўналишлари акс этди. Бундан ташқари, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш ҳақидаги Конвенция имзоланиб, у минтақадаги барча мамлакатлар учун умумий бўлган хавф-хатар ва таҳдидларга коллектив қаршилик кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Конвенция асосида ШҲТ доирасида, терроризм, сепаратизм, экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний айланиши, шунингдек, ноқонуний миграция билан курашда ҳамжиҳатликни яхшилаш мақсадларида Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) ташкил этилиб, у 2002 йилда ШҲТнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи мақомини олди.

Иккинчи саммит 2002 йилнинг 6-7 июнида Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилиб, унда ШҲТнинг асосий устав ҳужжати — Хартия имзоланди. Хартияда мазкур ташкилот мақсадлари, вазифалари ва ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, унинг таркиби ва бошқа мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари тартиби белгилаб берилди.

Шанхай ташкилотининг 2003 йил 28-29 май кунлари Москвада ўтган учинчи саммитида эса ана шу янги халқаро ташкилотнинг ташкилий қурилиши амалда якунланди. Унда ШҲТ устав органлари фаолияти тартибини белгиловчи ҳужжатлар, шу жумладан, давлатлар раҳбарлари, ҳукуматлар раҳбарлари кенгашлари тўғрисидаги низомлар, ШҲТ минтақавий аксилтеррор таркиби ижроси қўмитаси регламенти ҳақидаги низомлар ва бошқалар маъқулланди. Шунингдек, ташкилот рамзлари — эмблема ва байроқ тасдиқланди. ШҲТга аъзо мамлакатлар раҳбарлари биринчи ижроия котиблигига тажрибали дипломат, ХХРнинг Россиядаги элчиси Чжан Дэгуанни тасдиқладилар. Саммит якунлари бўйича ташкилий ҳужжатлардан ташқари сиёсий Декларация ҳам қабул қилинди.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Осиё — Тинч океани минтақасида коллектив хавфсизлик тизимини яратиш учун катта аҳамиятга моликдир. ШҲТ мазкур минтақада фаолият кўрсатаётган бошқа кўп томонлама механизмлар ва институтлар билан бир қаторда, ташкилот барча аъзоларининг фикрича, кўп томонлама ҳамкорлик тизимидаги янги муҳим бўғин ҳисобланади. 2001 йил 11 сентябрда АҚШда рўй берган воқеалардан сўнг ШҲТ фаолиятида ҳам устувор ҳисобланган аксилтеррор йўналиши қўшимча омил олди. Айтиш керакки, АҚШдаги машъум воқеалар рўй беришидан аввалроқ, ШҲТга аъзо мамлакатлар Афғонистонда қўним топган террорчилик кучлари томонидан хавф-хатарга тўқнаш келгандилар. Ташкилотга аъзо мамлакатлар халқаро ҳамжамиятни жаҳон узра кўланка солаётган хавф-хатар кўламини тўғри баҳолаб, ҳам миллий даражада ва иккитомонлама муносабатларда, ҳам ташкилот доирасида тегишли қарши чоралар қабул қилишга даъват этиб келарди. Тошкентда жойлашган минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитасининг фаолияти бунинг тасдиғидир.

ШҲТ — бу на ҳарбий блок ва на ёпиқ уюшмадир, балки у кенг халқаро ҳамкорликка қаратилган очиқ ташкилот ҳисобланади. Шу боис ташкилот фаолиятига қизиқиш ортмоқда.

Ўзбекистон ШҲТ таъсисчиларидан ва тенг ҳуқуқли аъзоларидан бири ҳисобланади. 2003 йил сентябрдан ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси унга раислик қилаётир. Президент И.Каримовнинг ташкилот биринчи саммитида илгари сурган ташаббуслари ШҲТ аъзолари томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Кўриниб турибдики, ШҲТ фаолияти ер юзи аҳолисининг салкам бешдан бир қисмини қамраб олган ЕвроОсиё қитъаси марказида янги жўшқин бирлашма пайдо бўлганлигидан шоҳидлик бераётир. Ташкилот мақсадлари ва вазифалари минтақа ва жаҳондаги реал аҳволга мос келади, шунингдек олти мамлакат халқлари туб манфаатларига жавоб беради.

**Алишер РЎЗИЕВ тайёрлади**

## ОЧИҚ, САМИМИЙ МУЛОҚОТ

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ АБДУЛҲАКИМ ЭШМУРАТОВ БИРИНЧИ УЧРАШУВНИ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УТКАЗДИ

Тўғриси, сўнгги йилларда вилоят ҳокимлигида журналистлар билан очиқ мулоқот ва учрашувлар ўтказиш унутилганди. Шунинг учун бўлса керак, бу учрашувда вилоятда фаолият кўрсатаётган барча оммавий ахборот воситалари ходимлари, бош муҳаррирлар, босмахона директорлари ва мутасаддилар ҳам иштирок этишди.

Вилоят ҳокими ОАВ олдида турган вазифалар ҳақида гапираркан, журналистларни дадил ва ҳолис, фидойи бўлишга даъват этди.

— Очиқ айтишим керак, — деди у, — Денов туманининг «Чағониён» газетасидан бошқа биророта ҳам нашр бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бандихон, Ангор туманларида чоп этилаётган газеталар адади 300-400 тадан ошмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Вилоят ҳокимлигининг «Сурхон тонги»да эса танқидий, таҳлилий мақолалар етишмайди. Барча газеталарнинг сифати ачинарли аҳволда. Бунинг асл сабабларидан бири эса ўзаро ҳамкорликнинг йўқлигидандир.

Танқид — келажак меваси дейдилар. Ҳамиша холис ва ҳаққоний бўлайлик. Мен оммавий ахборот воситалари ходимлари билан доимо ҳамфикр, маслакдошман.

Ўзаро мулоқот руҳида ўтган йиғилишда вилоят ҳокимининг матбуот котиби Рамозон Ашуров, вилоят журналистлар уюшмаси раиси Даврон Ғуломов, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Ўрол Олтибоев, вилоят Ёзувчилар уюшмаси раиси Шафоат Раҳматулло Термизий, «Сурхон тонги» газетаси бош муҳаррири Муҳаммаджон Азимов, «Чағониён» газетаси бош муҳаррири Зойир Мамажонов сўзга чиқиб, камчилик ва нуқсонларни ҳамжиҳатлик билан бартараф этиш лозимлигини айтишди.

Дарҳақиқат, ошкора руҳда бўлиб ўтган бу учрашув барчада яхши таассурот қолдирди.

Энг муҳими, вилоят ҳокими таклифи билан ҳар чоракда ана шундай очиқ мулоқот ўтказишга келишиб олинди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

*«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

## «ЎДАБОЕВ КИМЛАРГА ЁҚМАЯПТИ?»

**«Ўзбекистон овози» газетасининг 2004 йил 17 апрель сонида «Р.Ўдабоев кимларга ёқмаяпти?» сарлавҳали мақола чоп этилиб, унда ходимни ишга тиклаш ҳақидаги суд ҳужжатининг бажарилмаётганлиги қаламга олинган эди. Яқинда ушбу масала юзасидан вилоят ҳокимлиги томонидан жавоб хати олинди.**

«Р.Ўдабоев кимларга ёқмаяпти?» сарлавҳали мақола вилоят ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Ўдабоев Раҳмонни Шовот тумани «Соҳибкор» ширкат хўжалигига ишга тиклаш ҳақидаги ижро ҳужжати Шовот туман суд ижрочиси Р.Абдуллаев томонидан 2004 йил 22 январда «Соҳибкор» ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш бўйича қайта ташкил қилиш комиссиясига ижро қилишлик учун юборилган.

«Соҳибкор» ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш бўйича қайта ташкил қилиш комиссияси 2004 йил 23 мартда 79-сонли хат билан туман суд ижрочилари бўлинмасига мурожаат қилиб, унда Р.Ўдабоевни ишга тиклаш комиссия ваколатига кирмаслиги, туман ҳокимининг 2003 йил 10 ноябрдаги 320-сонли қарорига асосан «Соҳибкор» ширкат хўжалиги тўлалигича тугатилиб, негизида фермер хўжаликлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаси таъсисчиларининг шартномаларига асосан «Соҳибкор» муқобил машина трактор парки ташкил қилинганлиги, «Соҳибкор» ширкат хўжалиги тугаши билан унинг барча иш штатлари тугаганлиги, шу сабабли Р.Ўдабоевни бош иқтисодчи вазифасига ишга тиклаш имконияти йўқлиги кўрсатилган.

Суд ижрочиси Р.Абдуллаев 2004 йил 30 мартда Р.Ўдабоевни «Соҳибкор» ширкат хўжалигига бош иқтисодчи вазифасига ишга тиклаш ҳақидаги ижро варақа эндиликда қайта тартибда ижро қилиш услубини тушунтириб беришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судидан 2004 йил 7 майда суд ижрочисига жавоб хати юборилиб, унда қарорни бажаришлик «Соҳибкор» ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун тузилган қайта ташкил этиш комиссияси ёки фермер хўжаликлари уюшмаси зиммасига юклатилганлиги кўрсатилган ва 2004 йил 12 майда Р.Ўдабоевни ишга тиклаш ҳақидаги фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг 2004 йил 13 январдаги чиқарган ижро варақаси ижро қилишлик учун «Соҳибкор» муқобил машина трактор парки раҳбари Р.Маткаримовга юборилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб вилоят ҳокимлиги Шовот тумани ҳокимлигига «Соҳибкор» муқобил машина трактор паркида бош иқтисодчи штати йўқлиги сабабли Р.Ўдабоевга туманда бош иқтисодчи вазифасига тенглаштирилган ишларни таклиф қилиб, иш билан таъминлаш чораларини кўриш топширилганлигини билдирамиз.

**О. ОЛЛАБЕРГАНОВ, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 8 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 710,22 | 1 Польша злотийси | 268,11 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1874,71 | 1 СДР | 1489,16 |
| 1 Дания кронаси | 168,48 | 1000 Туркия лираси | 0,68 |
| 1 БАА дирхами | 276,45 | 1 Швейцария франки | 821,86 |
| 1 АҚШ доллари | 1015,33 | 1 ЕВРО | 1252,21 |
| 1 Миср фунти | 164,69 | 10 Жанубий Корея вони | 8,76 |
| 1 Исландия кронаси | 14,36 | 10 Япония иенаси | 91,91 |
| 1 Канада доллари | 753,32 | 1 Россия рубли | 34,93 |
| 1 Хитой юани | 122,67 | 1 Украина гривнаси | 190,74 |
| 1 Малайзия ринггити | 267,23 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

DETUR IPAK YO'LI TURIZM
Хушҳаво маскан
Яхши ҳордиқ омили
АНТАЛИЯГА ҲАР ЎН КУНДА ИЮНДАН БОШЛАБ ЧАРТЕР ҚАТНОВЛАРИ
Мақбул нархлар ва чегирмалар
Бизга ёки сайёҳлик агентликларингизга қўнғироқ қилинг:
Тел.: +(998-71). 134-98-60, 134-99-13. Факс: +(998-71) 134-98-93.
E-mail: info@ detursilkroadtashkent.com
700000, Тошкент, А.Темур кўчаси, М-4.
«Деделан Силк Роуд Тшкент» меҳмонхонаси
HOTEL DEDEMAN SILK ROAD

*Тадбир*

## БОЛАЛАР УЧУН КУНДУЗГИ СТАЦИОНАР

Соғлом фарзанд юрт, миллат келажагидир. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси болаларнинг маънан баркамол, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишишлари борасида кўплаб хайрли тадбирларни амалга оширяпти. Жамғарма Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларининг саломатликларини тиклаш учун ҳам чора-тадбирлар кўрмоқда.

Кеча, Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида жамғарма қошидаги «Оила» тиббий марказида 2004 йилнинг ёзги мавсуми учун болалар кундузги стационарининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, жамғарманинг «Оила» тиббий марказида малакали мутахассислар — терапевт, педиатр, офталмолог, кардиолог врачлар кундузги стационарга қатнайдиган болаларни тиббий кўрикдан ўтказадилар. Тошкент шаҳридан дастлабки 30 нафар бола бепул соғломлаштирилади.

— Тиббий масканимизда болаларнинг маънавий-маданий дам олишларига ҳам алоҳида аҳамият берамиз, — дейди кундузги стационар бош шифокори Сияра Жанбекова. — Шунингдек, спорт майдончаси, бассейнимиз бор. Бундан ташқари улар ҳайвонот ва истироҳат боғларига саёҳат уюштирадилар, бадиий буюмлар ясаш, расм чизиш билан шуғулланадилар.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН
«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.
Товар сертификатланган.
Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

Мулоҳаза

# РАҲБАР ЭЛГА ҚАЙИШСА...

## ОБРЎ-ЭЪТИБОР, ИЗЗАТ-ҲУРМАТ ТОПИБ, ЮЗИ ЁРУҒ БЎЛАДИ

**Раҳбарлар ўзгаради, янги одамлар келиб кетаверади, лекин ҳамма нарсани шу эл, шу юртга меҳр қўйган, мард ва танти, лафзи ҳалол меҳнаткаш халқнинг бунёдкорлик меҳнати ҳал қилади.**

*Президент И.А.Каримовнинг Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан*

Муҳим иш юзасидан вилоят ташкилотларидан бирининг раҳбари қабулига боргандим. Қабулхонада унинг ҳузурига кириш учун навбат кутаётган беш-олти чоғли одам ўтирибди. Котибага мақсад-муддаоимни баён этдим. У менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди-да, кутиб туринг, бўшасалар айтаман деди-ю ўз ишида давом этаверди. Орадан беш, ўн, йигирма дақиқа, ярим соат ўтди. Ичкаридан биров чиқмади ҳам, кирмади ҳам. Раҳбар қабулига интиқ одамларнинг тоқатлари тоқ бўлаётганлиги юз-кўзларидан сезилар, аммо ҳеч ким дилидагини тилига чиқармасди. Менинг эса сабрим чидамади, котибадан ичкарида ким борлигини сўрадим. Турмуш ўртоқлари, болалари билан келганлар, деган жавобни олдим. Яна соат миллари олға қараб интила бошлади. Ниҳоят, анча вақтдан сўнг қора дермантин қопланган салобатли эшик очилди-ю, раҳбар хотини, икки боласи билан чиқиб келди. Кенжатойи дадасининг қўлида, бўйнига осилиб олган. У қабулига келганларга тушликдан сўнг бўлишини айтиб, оиласи билан ташқарига йўналди. Деразадан кўриниб турибди, қопқора хизмат машинасига ўтиришди-да, қаёққадир жўнаб кетишди.

— Бир ҳафтадан бери киролмайман-а, — инқиллаб-синқиллаб ўрнидан тураркан, нолишни бошлади етмиш ёшлар чамасидаги отахон. — Мана шу бир парча қоғозга қўл қўйишга минутам вақт кетмайди. Мен бўлсам бу кишининг эшигида сарғайганим сарғайган. Э, садқаи раҳбар кет...

Хуллас, тушдан сўнг ҳам ўша раҳбарнинг қабулига кириш учун менга «навбат» тегмади.

Яна бир раҳбарни биламан. Ёш, ғайратли, ишбилармон. Идорасида камдан кам ўтиради. Доим халқнинг ичида. Тўрачилик қилмай, кимнинг муаммоси бўлса даладами, кўча-кўйдами, қаерда бўлса эшитиб, йўлйўлакай имкон даражасида ҳал этиб кетаверади. Ана шу инсонийлик фазилатлари учун у кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган. Оддий одамларнинг дуосига сазовор бўлган.

Мантиқан олиб қараганда, аслида ҳам шундай бўлиши керак эмасми? Ахир каттами, кичикми, раҳбар халқнинг хизматкори-ку?! Уни шу лавозимга, шу мансабга кўтарган заҳматкаш кишиларни менсимаса, фақат ўз ҳузур-ҳаловатини кўзлаб юрса, оёғи ердан узилиб, эл-юртга бирон нафи тегмаса, бу тоифа амалдорларнинг кимга кераги бор?

**«Ўзингиз ўйланг, кимдир кунни кун, тунни тун демай меҳнат қилса-ю, лекин кимдир амалидан фойдаланиб, ўз манфаатини кўзлаб, турли ҳийла-найранглар билан бошқаларнинг ҳақига хиёнат қилса ва шунинг ҳисобидан, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, қутуриб кетса — бу, албатта, жамоатчилик, эл-юртнинг эътирози ва норозилигига сабаб бўлади, — деди Юртбошимиз Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида. — Мана шундай хунук, бемаза ишларга йўл қўймаслик учун ҳар қайси вилоят, шаҳар ва туманда ҳокимият тизими, шу масалаларга бевосита мутасадди бўлган ҳуқуқ-тартибот ва суд идоралари мавжуд».**

Дарҳақиқат, бу каби нуқсонлар нафақат Андижонда, балки бошқа вилоятларда ҳам учраши бор гап. Президентимиз раҳбар маънавияти ҳақида жуда кўп жойларда куюниб гапиришларининг сабаби ҳам шундадир, балки. Тўғри, ўзига юклатилган масъулиятни дилдан ҳис этиб, жонкуярлик билан фаолият юритаётган раҳбарлар ҳам кўп орамизда. Улар ўзгалар манфаатини ўз нафсидан устун қўя олган чинакам фидойилардир. Шу боис ҳурмат-иззат топиб, яхши ном қозонганлар. Аммо, шоли курмаксиз бўлмаганидек, айрим тоифалар ҳам борки, амал курсисига ўтирганларидан сўнг бирдан ўзгариб кетишади. Димоғлари шишиб, бошқаларни оёқ учида кўрсатадиган бу каби мансабпарастларнинг узоққа бора олмасликларига кўп бор гувоҳ бўляпмиз. Шундай экан, раҳбар элга қайишадиган, улус дарди билан ёнадиган, маънавияти бой, хушмуомала, тадбиркор, ишбилармон бўлсагина одамлар унга эргашади. Акс ҳолда...

Андижон вилоятидаги сессияда Юртбошимиз Ўзбекистонни аниқ мақсад ва режаларга эга бўлган, ўз йўлидан оғишмай олға сузиб бораётган денгиздаги улкан кемага қиёслади. Чиндан ҳам, бу кеманинг кўзланган манзилга етиб бориши учун барчамиз зиммамиздаги вазифаларни ҳалол, виждонан адо этишимиз, бурчимизни ҳис этиб яшашимиз лозим. Айниқса, бу борада раҳбарларнинг масъулияти икки карра кўпроқ. Раҳбарнинг ишига эса энг одилона баҳони халқ, эл-юрт беради. Улусни ўйлаган, миллатдошлари дардига дармон бўлишни ният қилган одам эса ҳеч қачон кам бўлмайди...

Президентимизнинг Халқ депутатлари Андижон ва Сурхондарё вилоят Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида қилган маърузалари каттами, кичикми, ҳар бир раҳбар сабоқ сифатида қабул қилиб, тегишли хулоса чиқарса, наздимда, ютқазмайди. Зеро, Президентимиз Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганларидек: **«Мансаб курсисига ўтирган ҳар қайси одам бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслиги керак: раҳбарга лавозимни, обрўни шу эл-юрт беради, лекин лавозимни унинг ўзи йўқотади. Бу оддий, шу билан бирга, ҳар бир раҳбар учун олий ҳақиқат, десак, асло хато бўлмайди».**

**Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,**
**журналист**

## САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТУЗИЛДИ

БМТ маслаҳат комиссияси Ироқнинг мустақил сайлов комиссияси учун 8 нафар аъзони танлади ва умумий сайловларда овоз бериш қоидаларини тасдиқлади. Дастлабки маълумотларга қараганда, сайловлар келгуси йил 31 январда бўлиши кутилмоқда.

БМТ манбаларида қайд этилишича, овоз бериш қоидалари шу ойда эълон қилинади.

Афсусланарлиси шуки, дейилади Associated Press агентлиги ахборотида, Ироқнинг айрим музофотларида, жумладан, Ал-Фаллуж ва 4 та жанубий музофотда тўқнашувлар давом этаётганлиги сабабли сайлов комиссиялари аъзоларини танлаш имкони бўлмади.

## АҚШ РЕЙГАН БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА



Америка халқи 5 кун давомида мамлакатнинг экс-президенти, XX асрнинг буюк сиёсатчиларидан бири Рональд Рейган билан видолашади, дея хабар беради CNN ва BBC телекомпаниялари.

АҚШнинг қирқинчи президенти ўзининг Лос-Анжелесдаги уйида, оиласи даврасида шанба куни 93 ёшда ҳаётдан кўз юмди. У сўнгги 10 йил давомида альцгеймер касаллиги билан курашиб келди.

Тарихдан маълумки, Рейган президентлиги даврида совуқ уруш таҳдиди барҳам топди, собиқ совет давлатларида коммунизм сари кураш ғояси барбод бўлди. Буни кўпгина сиёсатчилар бугун ҳам эътироф этмоқдалар.

Собиқ экс-президент билан расмий видолашув душанбадан бошланди. Марҳум жасади солинган тобут Сими водийсидаги Рейганнинг президент кутубхонасига келтирилган. У ерда унинг қариндош-уруғлари, яқин биродарлари учун ёпиқ маросим ўтказилди. Сўнг оммавий видолашув бошланди. Чоршанба куни тобут Вашингтон яқинидаги Эндрюс авиабазасига самолётда олиб борилади. У ердан эса Капитолиядаги марказий ротонда (доира ёки ярим доира шаклидаги гумбазли бино)га етказилади ва давлат мақомидаги мотам маросими ўтказилади.

Умуман олганда Рейган давлат мақомидаги мотам маросими ўтказилаётган тўққизинчи президентдир.

Маросимда бугунги кунда тирик бўлган АҚШнинг собиқ президентлари — Жеральд Форд, Жимми Картер, Жорж Буш (каттаси) ва Билл Клинтон иштирок этади. АҚШнинг амалдаги Президенти Жорж Буш (кичиги) эса Жоржия штатининг Си-Айленд оролидаги «катта саккизлик» саммитида иштирок этаётган бўлишига қарамай маросимга боради. Бошқа давлатлар раҳбарлари ҳам унга ҳамроҳ бўлишади.

Президент Жорж Буш 11 июнни АҚШда умуммиллий мотам куни, дея эълон қилди. Шу куни барча ташкилоту корхона, муассасаю-идораларда иш тўхтатилади. Фақат мудофаа тизими, давлат департаменти, Адлия вазирлиги ва ички хавфсизлик тизими бундан мустасно.

Бундан ташқари 5 июндан эътиборан 30 кун мобайнида мотам белгиси сифатида Оқ уй ва АҚШ ҳудудидаги барча федерал биноларда давлат байроқлари эгиб қўйилади. Шунингдек, АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг кемаларида ҳамда АҚШнинг барча элчихоналари ва бошқа дипломатик идораларида, хориждаги ҳарбий базаларида ҳам байроқлар эгиб қўйилади.

Экс-президент оиласига, АҚШ маъмуриятига дунё жамоатчилигидан ҳамдардлик таъзияномалари келиб турибди.



Гап билан иш битмайди. Режалар қачонки зарур маблағ топилсагина юзага чиқади. Қарши туманидаги «Истиқбол» хўжалиги ўйингоҳ қуриш учун керакли маблағни топди. Натижада «Талликўрғон» қишлоғида катта ишлар бошланиб кетди.

## ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ЎЙИНГОҲ

Яхши лойиҳа асосида қурилаётган ўйингоҳда 5 минг кишига мўлжалланган ўриндиқ, ечиниш, ювиниш хоналари, футбол, баскетбол, волейбол майдончалари бўлиши кўзда тутилган эди. «Равот Абдуллоҳ» фермер хўжалигининг қурувчилари барча ишларни уддалашди. Натижада ихчам, бироқ ҳар томонлама қулайликлар яратилган ўйингоҳ қишлоқ ёшларига туҳфа этилди.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**

Анжуман

## ҚЎШМА ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўшма ҳайъати мажлиси бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, «Саноатконтехназорат» агентлиги раҳбарлари иштирок этишди.

Ҳайъат мажлисида бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири — атроф-муҳитнинг ифлосланиши билан боғлиқ бўлган табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, республикамизда хавфсиз экологик вазиятни таъминлаш, аҳоли ва ҳудудларнинг радиацион, кимёвий ва биологик муҳофазасини ташкил этиш, шунингдек, жорий йилнинг сентябрь ойида мамлакатимизда бўлиб ўтадиган «IWER-2004» халқаро семинарига тайёргарликнинг бориши билан боғлиқ масалалар кун тартибидан ўрин олди.

Кўрилган масалаларнинг ижроси борасида амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди, қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

«Ғалла — 2004»

## МАВСУМГА ШАЙ

«Самарқанд дон» уюшмаси бу йил вилоят ғаллакорларидан 250,9 минг тонна ғалла харид қилади. Мавжуд 7 та йирик дон корхонаси 7197 та дон ишлаб чиқариш хўжаликлари билан шартномалар тузган. Улар таркибидаги 16 та ғалла қабул қилиш масканида 367,9 минг тонна сиғимга эга элеватор, омбор ва айвонлар, хирмонлар учун 209,7 минг квадрат метр асфальт майдонлар ҳамда 24 та лаборатория ўрим-йиғим мавсумига шай.

Шунингдек, 40 та автомобиль ва вагон-тарозилар давлат стандарт кўригидан ўтказилди. 123 та дон ортиш ва тушириш (КШП,ШНЕК) воситалари, кўчма транспортёрлар, 26 та тозалаш машинаси сифатли таъмирдан чиқарилди. Уруғлик дон сақланувчи омборларга ҳар хил зараркунандаларга қарши кимёвий ишлов берилди. Мавсум иштирокчилари (элеваторлар ва омборларнинг мудирлари, таҳлилчилар, ҳисобчилар) «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик компанияси қошида малака оширдилар. Улар амалдаги ГОСТ талаблари, меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар ва ғалланинг янги харид нархлари бўйича янги маълумотлар билан чуқур таништирилди.

Айни кунларда жойларда ёнғинга қарши қатъий кураш чоралари белгиланди. Челак, Оқдарё, Жума, Ургут каби ғалла қабул қилиш масканлари бугун-эрта 2004 йил ҳосилини қабул қилишга киришади.

**Ўткир ПЎЛАТ**

Навоий вилояти «кумуш тола» ижодкорлари зафар қучиб 605 тонна сифатли саноат хомашёси етиштирдилар.

Ипак қурти уруғига сифатига алоҳида эътибор берилгани боис, бу йил мавсум қисқа кечди ҳамда пилла сифати ва салмоғи ҳар йилгига нисбатан яхшиланди. Муваффақиятга Хатирчи, Қизилтепа, Кармана, Навбаҳор туманлари пиллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Мазкур туманларда ҳар қути ипак қуртидан 50-55 килограммгача сара ҳосил олинди.

## НАВОИЙЛИК ПИЛЛАКОРЛАР ЮТУҒИ

Навоийликлар яна 25 тонна пилла топшириб, ялпи ҳосилни 630 тоннага етказиш ниятидалар.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири**



Рим шаҳри кўриниши

## ШУ ҲАФТАДАН БОШЛАНДИ

Туркия телерадиоэшиттиришлар корпорацияси раҳбари Сенол Демироснинг Reuters агентлигиға маълум қилишича, шу ҳафтадан эътиборан мамлакат телевидениеси ва радиосида курд тилида кўрсатув ва эшиттиришлар бошланди. Давлат телевидениесида кўрсатув кунига 30, эшиттириш эса 45 дақиқани ташкил этади.

Туркия маъмурияти курд тилида ўқиш, кўрсатув ва радиоэшиттириш тайёрлаш борасидаги тақиқловни 2002 йилдаёқ бекор қилган эди. Лекин маҳаллий амалдорлар қаршилиги боис шу пайтгача курд тилидаги кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилмай келинди.

Статистик маълумотларга қараганда, Туркия аҳолиси 70 миллион атрофида бўлса, шундан 12 миллионини курдлар ташкил этади.

Халқаро кўргазма

# БОБУР «КУЛЛИЁТИ» ҚЎЛЁЗМАСИ ТОПИЛДИ

«Китоблар инсон тафаккури жавоҳирларини йиғиб авлодларга мерос қолдиради», — деган эди машҳур ёзувчимиз Ойбек. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, китоб кўргазмаларининг илмий-маърифий аҳамияти жуда катта бўлиб, у ўзининг бой тарихига эга. Ҳозирги кунда Франкфурт, Миср, Италия, Канада, Баҳрайн, Россия каби давлатларда анъанавий тус олган китоб кўргазмалари жаҳоний миқёси билан алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда. Шулар қаторига 1987 йилдан буён ҳар йили баҳорда ўтказиб келинаётган Эрон Халқаро китоб кўргазмасини ҳам киритиш жоиз. Шу йил 3-13 май кунлари Теҳрон шаҳридаги доимий кўргазмалар мажмуида XVII халқаро китоб кўргазмаси бўлиб ўтди.

Маҳаллий матбуотда ёритилишича, бу галги кўргазмада 2000 га яқин маҳаллий ва 1000 дан зиёд хорижий мамлакат ноширлари 117 минг номда чоп этилган китоблари билан қатнашдилар. Умумий майдони 18513 квадрат метр жойни эгаллаган китоб кўргазмалари 12 та салонни ташкил этган. Олдингилардан фарқли ўлароқ, китоб савдосига қулай шароит яратиш мақсадида кўргазмага замонавий техник воситалар ҳам жалб қилиниб, 130 электрон китоб ноширларининг 400 га яқин номдаги янги маҳсулотлари ҳам тақдим этилди.

Ушбу кўргазмада 30 дан ортиқ мамлакатдан келган шарқшунос олимлар қатори ўзбекистонлик тўрт нафар вакилимиз ҳам иштирок этди.

Халқаро китоб кўргазмасининг очилиш маросимида Эрон Ислом Республикасининг Президенти Муҳаммад Ҳотамий нутқ сўзлади.

Кўргазманинг аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимларида ноширларнинг ўзлари китоблар каталогини харидорларга тавсия этди. Айниқса, луғат, энциклопедия, адабий манбалар ва турли соҳаларга оид кўрсаткич ва қўлёзмалар каталоглари намойишига кўпроқ ўрин берилгани бу галги кўргазманинг алоҳида хусусиятидир. Муҳими, китоблар китобхон талаби ва дидига мос юқори савияда чоп этилганлиги билан эътиборни тортди.

Бизни адабиётшунослик ва манбашуносликка оид асарлар кўпроқ қизиқтиргани боис, расталардан шу фанларга оид китобларни қидирдик. Янги нашрлар орасида Ёқут Ҳамавий қаламига мансуб Ўрта Осиё халқларининг қадимги давр адабиёти ёритилган «Муъжам удабо» («Адиблар ҳақида луғат») китоби алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, Ёқут Ҳамавий (1179-1229) географ, адиб, сайёҳ бўлиб, у 1213 йилдан бошлаб Сурия, Ироқ, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган. Ёқут Ҳамавий 10 жилдлик «Мўъжам ул-булдон» («Мамлакатлар луғати»), шунингдек, адиблар тўғрисида 7 жилдлик «Муъжам ул удабо» асарларини ёзган. Бу китобда ўртаосиёлик адиб ва олимларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Ушбу асарлар муаллиф сайёҳат қилган мамлакатлар аҳолисининг тили, адабиёти, тарихи ва географиясини ўрганишда муҳим манба саналади. Асарни араб тилидан форс тилига Абдул Муҳаммад Оятий таржима қилган бўлиб, у 2003 йили «Суруш» нашриётида чоп этилган. Икки жилддан иборат бу китобда Ёқут Ҳамавий ўзининг юртимиз сарҳадларига қилган икки йиллик сафари мобайнида Хоразм, Бухоро, Марв, Ахсикат, Самарқанд ва Фарғонанинг 25 дан ортиқ ижодкори ҳақида қимматли маълумотларни келтирган.

Бу йилги китоблар намойишида дин тарихи, фиқҳ ва тасаввуф илмига оид қатор янги китобларга кенг ўрин берилган. Нашрлар орасида ватандошимиз Шайх Азизуддин Насафийнинг таснифидаги «Мақсад ул-ақсо», «Ал-инсон ул-комил», «Кашф ул-ҳақойиқ» ва «Зубдат ул ҳақойиқ» номли тасаввуфга оид асарлари, шунингдек, Абдураззоқ Кошоний, Фахриддин Ироқий, Шайх Маҳмуд Шабистарий, Шоҳ Неъматулло Валий, Шайх Шаҳобиддин Суҳравардий, Рўзбихон Шерозий ва бошқа мутасаввуф олимларнинг асарларидан тузилган икки жилдлик «Тасаввуф сўзлари луғати»нинг «Таҳурий» нашриёти томонидан чоп этилган китоблари тасаввуф илми бўйича тадқиқот олиб борувчи изланувчилар учун муҳим манба ҳисобланади.

Китоб кўргазмасида Абу Наср Форобийнинг доктор Озартош Озарнўш томонидан нашр қилинган «Мусиқага оид катта китоб» асарининг илмий муомалага киритилганлиги ҳам қадимий мусиқа тарихимизни ўрганишдаги муҳим ҳодисалардан бири бўлганлигини алоҳида қайд қилиш жоиздир. Абу Наср Форобийнинг бу асарида мусиқа илми ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан баён этилган.

Эрон сафарининг қувончли воқеаларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шу вақтгача номаълум бўлиб келаётган «Куллиёти» қўлёзмасининг Теҳрон Миллий кутубхонасидан топилганлиги ва бу қўлёзманинг факсимил нашрини Теҳрон миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда амалга оширишга келишиб олинганлиги бўлди. Агар мазкур нашр амалга ошса, у Бобурнинг бутун ижодий меросини ўрганишнинг янги палласини бошлаб беради. Бу куллиётнинг манба сифатида чоп этилиши илгариги нашрларда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Шунингдек, сафар давомида эронлик олим ва ноширлар билан ҳамкорликда Адабиёт музейида сақланиб келаётган қўлёзмалар тавсифи, Фирдавсий асарларига ишланган миниатюралар альбоми, Ўрта Осиёда яшаб, ижод этган форсийгўй шоирларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган «Тазрикатуш шуъаро» асарини ҳам нашр этиб, кенг китобхонлар оммасига тақдим қилишга келишиб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, эрон ва ўзбек халқлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган муштарак маданий меросга эга. Теҳронда ўтказилган XVII халқаро китоб кўргазмаси бу меросни чуқур ўрганиш, уни илмий муомалага киритиш бир томондан икки халқнинг муштарак маданияти, тарихини янада чуқурроқ ўрганишга хизмат қилса, бошқа томондан бундай ҳамкорлик икки халқни бир-бирларига яқинлаштириб, дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Саидбек ҲАСАНОВ,**
**Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи директори**




## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ТЕКШИРУВ

Маошлар ўз вақтида тўланмаётганлиги фактларига қарши бутун Россия бўйлаб текширув бошланганлиги ҳақида мамлакат бош прокурори ўринбосари Сергей Фридинский журналистларга маълум қилди. Текширув ҳақида Россия бош прокурори Владимир Устинов буйруқ берган.

«Новости» агентлигининг хабар беришича, қаердаки маошлар тўланмаганлиги фактига дуч келинса, текширувдан сўнг дарҳол жиноий иш қўзғатилади ва айбдорлар жавобгарликка тортилади.

## «МАРСОХОД»ЛАРНИНГ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРИ



Америка аэрокосмик агентлиги (NASA) раҳбарияти шу йил январдан эътиборан Қизил сайёра юзасида фаолият юритаётган Spirit ва Opportunity «марсоход»лари зиммасига янги вазифалар юклатилганлигини маълум қилди, дея хабар беради CNN телеканали сайти.

Олимларнинг айтишларича, икки ҳафта давомида Spirit Марс сайёрасидаги Колумбия тепалигига чиқади ва у ердаги қатламни таҳлил этиш учун унинг юза қисмидан намуналар олади. «Марсоход» аввал Гусев кратерида тадқиқотлар олиб борган эди.

Марснинг бошқа чеккасида ҳаракатланаётган Opportunityни эса Endurance («Бардошли») кратерига туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Охирги бир ой давомида «марсоход» шу кратер атрофида тадқиқотлар олиб борди ва унинг юза қисмини суратларга олиб, Ерга узатди.

«Марсоход» кратер тубига тушгач, қайтиб чиқолмаслиги ҳам мумкин. Лекин шундай бўлса-да, кратер тубида фан учун муҳим манбаларга эга бўлиш мумкин, деган ўй билан NASA олимлари уни кратерга туширишга қарор қилишди.

Эслатиб ўтамиз: иккала «марсоход»нинг Марсдаги фаолияти 3 ойга мўлжалланган эди. Бироқ кейинчалик режалар ўзгариб кетди. Эндиликда Spirit ва Opportunity сентябргача ҳаракатда бўлади. Бунинг учун уларда қувват етарли.

## РОССИЯ ДИПЛОМЛАРИ ТАН ОЛИНМАЙДИ

Эстония Россия дипломлари ва илмий даражаларини республикада тан олиш ҳақидаги давлатлараро келишув битимини бекор қилди.

«Эхо Москвы» радиостанциясиси маълум қилишича, бундай қарор куни кеча Эстония ҳукумати мажлисида қабул қилинган. Аслида келишув битимини бекор қилиш тўғрисида Эстония март ойидаёқ Россияни огоҳлантирган эди. Сабаб: маълумки, Эстония май ойида Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кирди. ЕИда эса Лиссабон конвенцияси амал қилади ва айнан шу конвенция «талаби»га кўра, Эстония Россия билан келишув битимини бекор қилди.

Дарвоқе, келишув битими амалда бўлган пайтда олинган диплом ва илмий даражалар ўз кучида қолади.




**Internet хабарлари асосида тайёрланди**

